ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР КОКЦИДЛАРИ (HOMORTERA, COCCINEA) ФАУНАСИГА ОИД ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР

К.З.Зокиров, А.К.Ҳусанов, О.Т.Собиров, Г.О.Яхшибоева

Мақолада Фарғона водийси мевали ва манзарали дарахтларида учровчи кокцидларнинг фаунаси ва таксономик спектрига кўра дастлабки фаунистик таҳлили натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: *«паразит-хўжайин», озуқа занжири, энтомоценоз, монофаг, полифаг, олигофаг, кокцидофауна, таксономик спектр.*

В статье приведены результаты первичного фаунистического анализа кокцидов согласно таксономическому спектру и фауне, встречающихся в плодовых и декоративных растениях Ферганской долины

Ключевые слова: *«паразит-хозяин», пищевая цепь, энтомоценоз, монофаг, полифаг, олигофаг, кокцидофауна, таксономический спектр.*

The article presents the results of the primary faunistic analysis according to the taxonomic spectrum and fauna of coccids found in the fruit and ornamental plants of the Fergana Valley.

Key words: *«host parasite», food chain, entomocoenosis, monophage, polyphage, oligophagus, coccidofauna, taxonomic spectrum.*

Марказий Осиёда кокцидларнинг ўрганилиши ўтган асрнинг бошларига тўғри келиб, тадқиқотлар кўлами А.Д.Архангельская номи билан боғлиқ [1].

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг ҳаётий жараёнлари ўсимликлар билан боғланган бўлиб, Г.Я.Бей-Биенко таъбири билан айтганда, ҳеч бир ҳашаротлар гуруҳида сон ва сифат жиҳатидан улар даражасидаги жиддий зараркунанда турлар учрамайди [2].

Кокцидлар ҳашаротларнинг тенгқанотли-хартумлилар кенжа туркумига мансуб бўлган жониворлар саналиб, аксарият кўп турларининг кам ҳаракат қилиб яшагани тарихий тараққиёт жараёнида уларнинг морфологияси, экологиясида бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқарган. Фарғона водийси табиий ландшафтларининг хилма-хиллиги, пасттекисликдан юқори тоғ минтақасига қадар бўлган вертикал кенгликлар бўйлаб шаклланган экологик ва иқлимий шарт-шароитлар мазкур гуруҳ ҳашаротлари турлар хилмахиллигида, улардаги морфо-экологик ўзгарувчанлик ҳамда турли йўналишдаги адаптацияларда ўз ифодасини топган. Бироқ Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида ташқи муҳит шароитларининг кокцидлар морфологияси, ҳаётий жараёнларига нечоғлик таъсир этиши масалалари қиёсий ўрганилмаган. Зеро, кокцидларнинг «паразит-хўжайин» тизимидаги озуқа ўсимлигига ихтисослашиши, морфо-экологик таҳлил этиш, гуруҳлаш айни йўналишдаги назарий ва амалий муаммолар ечимига асос бўлади.

Ушбу мақола Фарғона водийси мевали ва манзарали дарахтларида учровчи кокцидларнинг фаунаси, таксономик таҳлили ҳамда уларнинг озуқа ўсимлигидаги экологик хусусиятига кўра таснифига бағишланган.

Тадқиқотлар Н.С.Борхсениуснинг услуби асосида амалга оширилди [3]. Кокцидларнинг морфологик тузилиши 2015-2017 йиллар давомида табиатда ва Андижон давлат университети зоология кафедрасининг илмий лабораториясида ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқотлар ва фаунистик таҳлил натижаларига кўра, Фарғона водийсининг мевали ва манзарали ўсимликларида кокцидлар кенжа туркумининг 6 оила, 34 уруғига мансуб 45 тури тарқалгани аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийси мевали ва манзарали дарахтларида учровчи кокцидлар таксономик каталоги ва уларнинг озуқа ўсимлигидаги таснифи

Т/р	Кокцидларнинг оила, уруғ ва турлари	Ўсимликдаги озиқланиш жойи			Озуқа спектри			Зарар келтириш даражаси		
		Ўсимлик танаси	Шохлари ва новдалари	Барг	Монофаг	Олигофаг	Полифаг	Кучсиз	Ўртача	Кучли
	Оила – Ortheziidae									
	Уруғ –OrtheziaBosc.									
	Orthezia urticae L.	+	+	+			+	+		
	Оила– Monophlebidae									
	Уруғ - DrosichaWalk.									
	Drosicha turkestanica Arch.	+		+			+	+		
	Оила – Pseudococcidae									
	Уруғ- PseudococcusWestw.									
	Pseudococcus comstocki Kuw.	+	+	+			+			+
	Уруғ - PlanococcusFerr.									
	*Planococcusvitis*Nied.	+	+	+			+		+	
	Уруғ-PhenacoccusCock.									
	*Phenacoccusmespili*Sign.	+	+				+		+	
	Оила– Eriococcidae									
	Уруғ -EriococcusTarg.-Tozz.									
	Eriococcus buxi Fonsc.		+	+	+				+	
	Ericoccusspurius (Mod.)	+				+			+	
	Уруғ -Gossyparia Sign.									
	Gossyparia salicicola Borchs.	+	+		+				+	
	Оила– Coccidae									
	Уруғ - PulvinariaTarg.-Tozz.									
	*Pulvinaria vitis*L.			+			+		+	
	Уруғ - AnapulvinariaBorchs.									
	*Anapulvinariapistaciae*Boden.	+	+	+	+				+	
	Уруғ- Coccus L.									
	Coccushesperidum L.	+	+	+			+			+
	Уруғ - Didesmococcus Borchs.									
	Didesmococcusunifasciatus Arch.	+	+				+		+	
	Уруғ – SphaerolecaniumSulc									
	Sphaerolecanium prunastri Fonsc.	+	+				+			+
	Уруғ – ParthenolecaniumSulc									
	Parthenolecanium corni Bouche		+	+			+			+
	Parthenolecanium bituberculatum Targ.	+	+				+		+	
	Parthenolecaniumpersicae F.		+	+			+		+	
	Уруғ-EulecaniumCock.									
	Eulecanium rugulosum Arch.		+	+			+	+		
	Уруғ-RhodococcusBorchs.									
	Rhodococcusturanicus Arch.		+				+			+
	Оила – Diaspididae									
	Уруғ- NeochionaspisBorchs.									

	Neochionaspiskirgisica Borchs.	+	+			+			+	
	Уруғ- Tecaspis Hall.									
	Tecaspis asiatica (Arch.)		+	+			+		+	
	Уруғ- UnaspisMacGillivray									
	Unaspisevonymi(Comst.)		+	+	+					+
	Уруғ- ChionaspisSign.									
	Chionaspis salicis (Lin.)	+	+				+		+	
	Уруғ- PinnaspisCock.									
	Pinnaspis aspidistrae (Sign.)		+	+		+				+
	Pinnaspis buxi (Bouche).		+	+		+			+	
	Уруғ - PistaciaspisBorch.									
	Pistaciaspispistaciae(Arch.)		+	+	+				+	
	Уруғ-LepidosaphesShim.									
	Lepidosaphesulmi (L.)	+	+				+			+
	*Lepidosaphesmesasiatica*Borch.		+			+				+
	Уруғ - MytilaspisTarg.-Tozz.									
	Mytilaspis turanica (Arch.)	+	+		+					+
	Уруғ - InsulaspisMam.									
	Insulaspis juniperi(Lind.).			+			+		+	
	Уруғ - NilotaspisFerr.									
	Nilotaspishalli (Green.)	+	+				+		+	
	Уруғ - AulacaspisCock.									
	Aulacaspis rosae (Bouche).	+	+			+			+	
	Уруғ - CarulaspisMacGill.									
	*Carulaspisvisci*Schr.			+		+			+	
	Уруғ -Diaspis Costa									
	Diaspisbromeliae (Kern.)	+		+		+			+	
	Уруғ- ParlatoriaTarg.-Tozz.									
	Parlatoria oleae (Colv.).	+	+	+			+			+
	Уруғ-LeucaspisTarg.-Tozz.									
	Leucaspisgigas (Mask.)			+			+		+	
	Уруғ- Suturaspis Lind.									
	Suturaspis archangelskyae(Lind.)	+	+				+			+
	Уруғ - QuadraspidiotusMacGill.									
	Quadraspidiotus perniciosus (Comst.)	+	+	+			+			+
	Quadraspidiotus ostreaeformis (Curtis).	+					+		+	
	Quadraspidiotus slavonicus (Green)	+	+	+		+			+	
	Уруғ - DiaspidiotusCock.									
	Diaspidiotus prunorum (Laing)	+	+			+			+	
	Diaspidiotus turanicus (Borchs.)	+	+			+			+	
	Diaspidiotus elaeagni (Borchs.)		+		+				+	
	Diaspidiotustranscaspiensis (Marlatt.)		+			+			+	
	Diaspidiotusleguminosum (Arch.).	+	+			+		+		
	Уруғ - CupressaspisBorchs.									
	*Cupressaspisisfarensis*Borchs.			+		+		+		
	Жами	**27**	**36**	**24**	**7**	**14**	**24**	**5**	**27**	**13**

Жадвалдан кўриниб турганидек, кокцидларнинг озуқа ўсимлигида яшаш жойи доимий ва бир хил бўлган турлар сони 11 тани ташкил этиб, шундан ўсимлик танаси ҳамда шохлари ва новдаларида 6 та, 5 тур эса доимий озуқа жойи сифатида ўсимлик баргидан фойдаланади. Озуқа ўсимлигининг танаси, шохлари, новда ва баргларида 8 тур, фақат тана ва баргларда 2 тур, ўсимлик баргларидан ташқари

танаси, шохлари ҳамда новдаларида 15 тур, шохлар, новдалар билан баргларда 9 тур кокцидлар яшаб зарар келтиради.

Ўсимликларнинг кокцидлар билан зарарланиш даражалари А.Д.Архангельская (1937) услуби асосида аниқланган. Жумладан, кокцидларнинг озуқа ўсимлигига келтирадиган зарари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики, кучли зарар келтирувчи турлар 28,9% (13 та)ни, ўртача зарар келтирувчи турлар 60% (27 та)ни, кучсиз зарар келтирувчи турлар эса 11,1% (5 та)ни ташкил этган.

Кокцидлар озуқа ўсимлигига ихтисосланишига қараб монофаглар, олигофаглар ва полифаглар гуруҳини ташкил этади. Фаунадаги турларнинг озуқа спектри таҳлили натижаларига кўра, 7 тур (15,55%) монофаглар, 14 тур (31,1%) олигофаглар ҳамда 24 (53,33%) тур полифаглар сифатида намоён бўлган.

Кокцидофаунанинг оилалар бўйича тақсимланишига кўра Diaspididae (27 тур, 60%) ҳамда Coccidae (10 тур, 22,22%) оилалари вакиллари фаунада етакчилардан саналса, Pseudococcidae ҳамда Eriococcidae оилалари 3 тадан турга, Ortheziidae ва Monophlebidae оиласи вакиллари турлари сонининг монотипик характерда эканлигини кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Фаунадаги Coccinea кенжа туркумининг таксономик спектри

Т/р	Оилалар	Уруғлар сони ва уларнинг нисбати (%)	Турлар сони ва уларнинг нисбати (%)
1.	Diaspididae	19 (55.88)	27 (60)
2.	Coccidae	8 (23.52)	10 (22.22)
3.	Pseudococcidae	3 (8.82)	3 (6.66)
4.	Eriococcidae	2 (5.88)	3 (6.66)
5.	Ortheziidae	1 (2.94)	1 (2.22)
6.	Monophlebidae	1 (2.94)	1 (2.22)
	Жами	**34**	**45**

Жадвалда ифодаланганидек, Фарғона водийси мевали ва манзарали ўсимликларида тарқалган кокцидлар кенжа туркумига мансуб 45 турнинг оилалар бўйича нисбати аниқланди. Бу жониворларнинг оилалар бўйича кўрсаткичларига кўра Diaspididae оиласи (19 уруғ, 55.88%), Coccidae – (8 уруғ, 23.52%), Pseudococcidae оиласи (3 уруғ, 8.82%), Eriococcidae – (2 уруғ, 5.88%), Ortheziidae – (1 уруғ, 2.94%) ҳамда Monophlebidae – (1 уруғ, 2.94%) оилалари вакилларидан иборат эканлиги аниқланди.

Юқоридаги материаллар Фарғона водийси кокцидофаунаси 6 оила, 34 уруғ ва 45 турлардан иборат эканлиги, уларнинг озиқланиш усулларига кўра монофаг, олигофаг ҳамда полифаглар сифатида мевали ва манзарали ўсимликларнинг зараркунандалари эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1.Архангельская А.Д. Кокциды средней Азии. – Т.: Изд. Комитета наук Уз.ССР., 1937. – 158 с.

2. Бей-Биенко Г.Я. Общая энтомология. Учебник для университетов и сельхозвузов. 3-е изд., доп. – М.: Высшая школа, 1980. - 416 с.

3. Борхсениус Н.С. Сбор и изучение червецов и щитовок в помощь работающим на полезащитных лесных полосах.- М -Л.: Изд. АН СССР, 1950. – 152 с.

Андижон давлат университети,
2018 йил 9 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Умматов)